

# Матбуот анжумани ўтказилди



Анжуманда “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш” мавзусида йиғилиш қатнашчиларига маълумотлар бериб ўтилди.

Шунингдек, коррупцияни юзага келтирувчи ҳолатлар, уларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар, коррупция ҳолати натижасида юзага келган жиноятлар оқибати, ушбу ҳолатлар учун белгиланган жазо ва чоралар тўғрисида ҳам атрафлича сўз юритилди.

Анжуман мобайнида жамиятда коррупцияга қарши мурасасизликни кучайтириш, ушбу иллатга қарши курашишда ижтимоий фаолликни ошириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.